Қиши-баҳорги

Өзбек халқы йүксәк мәртәбәли Конгресс делегациясыны қәбул итәчәк
Өзбек эли мүстәқиллик олий мәртәбәли меҳманларны қәбул қилмоқда

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 83 (8. 025) ◆ 1992 йил 28 апрель, сешанба ◆ Нархи 1 сўм

Тошкент аэропортида кутиб олиш.

ТУРКИЯ БОШ ВАЗИРИ ТОШКЕНТДА

● 27 апрель куни Ўзбекистон ва Туркия Республикаларининг давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропорти чинакам байрам тусини олди.

Эрталабданоқ бу ерга азиз меҳмонларни кутиб олиш учун келаётган жамоатчилик вакилларининг қўлларида ҳилпираб турган бир-бирига ҳамкор давлатларнинг жажжи байроқчалари, мустақил ўлканинг илк баҳори неъматлари — анвойи гуллар, карнай-сурнай наволари, бариси киши қалбига оламжаҳон руҳ бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган кунданоқ ҳамкор турк халқи ва унинг мурувватли йўлбошчилари мададга келдилар. Ота-боболаримизнинг дўстнинг кимлиги оғир кунингда билинади, деган доно нақли яна бир бор ўз исботини топди.

Туркия ҳукуматининг истиқлол йўлида эндигина оёққа тураётган Ўзбекистон халқига кўрсатаётган инсонпарварлик ёрдамини ҳисоблаб адоғига етиш қийин. Шу пайтгача турк биродарларимизнинг ўнлаб гуруҳ ишбилармонлари, саноатчи-тижоратчилари, парламент аъзолари, ҳукумат вакиллари Ўзбекистонга келиб, жумҳуриятимиз ҳаёти, аҳолиси, турмуш тарзи билан танишиб, ўзларининг беминнат ёрдамларини кўрсатиб, фикр ва мулоҳазаларини изҳор этдилар. Ўз навбатида Ўзбекистон томонидан ҳам ана шундай ҳамкорлик тадбирлари белгиланиб, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилиняпти.

Туркия ҳукуматининг ўзбек ўғил-қизларини Анқара ва Истамбул дорилфунунларига ўқишга жалб қилиб, Ўзбекистон келажаги учун зарур бўлган малакали мутахассислар тайёрлашга берган кафолатининг ўзиёқ мана шундай ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ёрқин намунасидир. Фақат булар эмас. Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида тан олинишида, обрў-эътиборга эга бўлишида, хусусан бозор иқтисоди муносабатларига ўтишида, саноат, ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида мадад қўлини чўзаётгани Туркия давлатининг бундан кейин ҳам мустаҳкам таянчимиз бўла олишидан далолатдир. Шунинг учун ҳам бугун Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл жаноблари раҳнамо бўлган нуфузли расмий делегацияни тантанали кутиб олиш мақсадида бу ерга йиғилган тошкентликларнинг олқишлари табиий, саломлари самимийдир.

Маҳаллий вақт билан соат 14 да келиб қўнган Сулаймон Демирэл бош бўлган расмий делегациянинг махсус «Гольфстрим» самолёти Тошкент аэропортидаги тантана руҳига салобат бағишлади. Меҳмонларни аэропортда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов рафиқаси билан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдуразоқов, Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков, Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Вўлқон Чўтур ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Азиз меҳмонларга нон-туз тутилди, гуллар тақдим этилди.

Сулаймон Демирэл ва Ислом Каримов Туркия телевидениесининг бу ерга ўрнатилган «Шошилинч хабар маркази» ва маҳаллий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашдилар.

Жумладан, Сулаймон Демирэл бугун Тошкентга келиб, ўзбекистонлик қардошларим, қадрдон дўстим Ислом Каримов билан дийдор кўришаётганимдан бахтиёрман, уларга Туркия халқи номидан оташин саломлар олиб келдим, деди. Мен Ўзбекистон Республикаси мустақиллик эълон қилган кундан бошлаб дўстлик, ҳамкорлик ва тинчлик сиёсатини тутиб келаётганидан беҳад миннатдорман. Биз қадрдонларимиз билан бундан буён ҳам ҳар соҳада мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш, бошлаган ишларимизни давом эттириш учун бу ерга келдик.

Ўзбек халқининг фаровон кунлари жуда яқин. Унинг дунёдаги тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин олишига ишонаман. Чунки Ўзбекистон ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам жуда етук аллоналарни дунё маданиятига етиштириб берган катта ватандир. Биз Туркияда Ўзбекистонни ота-боболаримиз юрти, юртдошларимизнинг ватани сифатида биламиз, деди Туркия Бош вазири.

Ҳозирги дунё шароитида барча давлатлар ўзаро ҳамкорликда муштарак муаммоларни ҳал қилишлари одат тусига айланиб қоляпти. Мен бу ерга келаётиб Ўрта Осиёнинг барча республикаларида бўлишни, азиз қардошларимиз билан учрашишни ният қилдим, деб сўзини якунлади С. Демирэл.

Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия жумҳурияти Бош вазири Сулаймон Демирэл ва унга ҳамроҳлик қилаётган расмий делегация вакилларини мустақил Ўзбекистон туғроғига қадам қўйишаётгани билан табриклаб, бундан кейин Туркия билан Ўзбекистон дўстлиги, ҳамкорлиги жуда кенг миқёсларда давом этажаклигини айтди.

Ўзбекистон билан Туркия ни боғлаб турган жиҳат — тарихий қардошлик, дўстлик алоқаларидир. Биз Туркия тимсолида ўз келажагимизни кўриб турибмиз. Чунки Туркия ҳам биз бугун босиб ўтаётган йўлларни бошидан ўтказганлиги шундай фикрга келишимизга асос бўлди, деди Ислом Каримов ўз сўзининг охирида.

Шундан сўнг Туркия Республикаси Бош вазири С. Демирэл рафиқаси билан ўзлари учун ҳозирланган шаҳар чеккасидаги «Дўрмон» қароргоҳига, Туркия жумҳурияти ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин рафиқаси билан ва Туркия Жумҳурияти делегациясининг бошқа аъзолари «Дўрмон» меҳмонхонасига йўл олдилар.

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги.

ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

«Хуш келибсиз, туркиялик азиз дўстлар!», «Дўстлик, қардошлик, ҳамкорлик!» Туркия Республикаси расмий делегациясининг аъзоларини Ўзбекистон парламенти аъзолари ана шундай лўнда ва сермазмун шиорлар билан кутиб олдилар. Учрашувда вилоятларнинг ҳокимлари, республика вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Халқ ноиблари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов билан Туркия Республикасининг Бош вазири С. Демирэлни қарсаклар билан кутиб олдилар. Бу фақат ҳурмат-эҳтиром белгиси эмас. Ўзбекистоннинг кўп миллионли халқи келажак умидларини шу қардош мамлакат билан боғламоқда. Чунки, бу мамлакат саноқли йиллар ичида иқтисодиётда улкан бурилиш ясаб, энг ривожланган давлатлар қаторига чиқиб олди.

Мустақил Ўзбекистон амал қилишни мўлжаллаётган Туркия модели демократик ўзгартишлар йўлига ўтиб олган давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун яхши истиқболлар очиб беради.

Ўзбекистонликлар қардош турк халқига алоҳида ҳурмат билан қарайдилар. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини биринчи бўлиб айни Туркия тан олганлигини, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик асосида муносабатлар ўрната бошлаганлигини бу ерда яхши биладилар. Тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик эса икки давлат ўртасидаги дўстона алоқаларни яна да ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевордир.

Парламент аъзолари билан учрашувда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади. У Ўзбекистон мустақиллигининг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинишида, вақтинчалик иқтисодий қийинчиликларни бартараф этишда Туркия Республикасининг улкан ёрдамини алоҳида таъкидлади.

Тошкент шаҳар Ҳокими А. И. Фозилбеков Туркия Республикасининг Бош вазири С. Демирэлни муборакбод этди. У тўпланганларнинг қарсаклари остида С. Демирэлга Тошкент шаҳрининг фахрий фуқароси гувоҳномасини ҳамда Ўзбекистон пойтахтининг рамзий калитини топширди.

Тошкент Давлат дорилфунунининг ректори Т. Жўраев дорилфунун илмий кенгашининг Туркия Республикасининг Бош вазири С. Демирэлга Тошкент Давлат дорилфунуни фахрий профессори унвонини бериш тўғрисидаги қарорини ўқиб берди.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг раиси М. Рўзматов миллий урф-одатларимизга кўра олий мартабали меҳмонга чопон кийгизди.

Ўзбекистон Республикаси парламенти аъзолари билан учрашувда Туркия Республикасининг Бош вазири С. Демирэл нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Туркия Республикасининг Бош вазири С. Демирэлнинг нутқлари зўр диққат-эътибор билан тингланди.

БУЮК МУТАФАККИР ВА ШОИР ҲУРМАТИ

Туркия Республикасининг Бош вазири С. Демирэл 27 апрель куни кечқурун Ўзбекистон Миллий боғига борди. У буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Гул қўйиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Муталов, бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

(ЎзА).

МУСТАФО КАМОЛ ОТА ТУРК НОМИ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон ва Туркия Республикаларининг ўзаро ҳамдўстлигини янада ривожлантириш, ҳар бир соҳада бўлгани каби маданий-маърифий йўналишда ҳам муштаракликни равнақ топтириш мақсадида, шунингдек икки қондош эл — ўзбек ва турк халқлари дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш юзасидан билдирилган таклифлар кўриб чиқилиб, Тошкент шаҳар Ҳокими А. И. Фозилбековнинг 1992 йил 27 апрелдаги қарори билан пойтахтнинг Киров кўчасига Туркия Республикасининг атоқли давлат арбоби МУСТАФО КАМОЛ ОТА ТУРК номи берилди.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

⊙ Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазирлиги номига Голландиядан инсонпарварлик ёрдами келди. Икки юз минг доллар миқдоридаги бу меҳр-шафқат ва раҳмдиллик совғаси ичида озиқ-овқат маҳсулотлари, компьютерлар, бир марта ишлатиладиган дорининалар бор.

⊙ Самарқанддаги Ўзбекистон халқлари тарихи, маданияти ва санъати республика музейида «Интеразия-92» халқаро кўргазмаси очилди. Ўзбекистон, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа республикалари, Афғонистон, Хитой, Корея, Японияннинг 30 га яқин давлат, қўшма ва хусусий корхоналари ва фирмалари бу кўргазмага ўз маҳсулотларини қўйганлар. Самарқанд ташқи иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси бу халқаро кўргазманинг ташкилотчисидир.

⊙ Янгийўлдаги «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш бирлашмасида яна икки навдаги печеньеларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Қандолатчилар бу маҳсулотни мураккаб бир пайтда, яъни қанд-шакарлар етишмаётган бир вақтда тайёрлашни йўлга қўйдилар. Лекин бу янги маҳсулот мазали ва нархи ҳам рисоладагидек бўлиб чиқди. Унинг бир килоси 15 сўм атрофида. Харидорлар севиб сотиб олаётган бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш кун сайин ошиб бормоқда.

⊙ Ўрта Чирчиқ Ёшлар иттифоқи район комитети қошида ташкил этилган хўжалик ҳисобида ишловчи бирлашмага «Раҳмдиллик» деган ном берилди. Исми-жисмига яраша бу бирлашма аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, корхона ва ташкилотларнинг маданий-оммавий тадбирларини ўтказиш бўйича берган буюртмаларини бажариш ишлари билан шуғулланади.

⊙ Андижон вилоятининг Бўз районида янги гул дўкони очилди. Унинг диққатга сазовор жойи шундаки, бу дўконнинг эгалари 23-ўрта мактабнинг ўқувчиларидир. Ўқувчилар бу ерда ўз ширкатларида етиштирилган маҳсулотларни сотадилар. Гулларнинг нархи бозорда сотилаётган гулларнинг баҳосидан бирмунча арзондир.

ҲАМДЎСТЛИКДА

⊙ Олмаотада — Қозоғистон Республикаси пойтахтида шу йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтадиган халқаро анжуманни таништириш маросими бўлиб ўтди. «Маданият орқали тинчлик» халқаро уюшмаси ана шу анжуманни ўтказиш ташаббускоридир.

⊙ 27 апрелдан бошлаб дотация бекор қилингандан кейин Петербургда бир килограмм қора нонинг нархи 7 сўм, оқ нонинг нархи 10 сўм, ўсимлик мойининг нархи 50—60 сўм бўлди. Биринчи майдан бошлаб шаҳарда барча турдаги озиқ-овқат талонларидан фойдаланиш тўхтатилади.

⊙ 24 апрелда Боку шаҳрида республика Олий Кенгашининг биноси олдида Гейдар Алиевни қўллаб-қувватловчи митинг бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари номзоднинг ёши 65 ёш деб чеклаб қўйилган Озарбайжон президенти сайловлари тўғрисидаги низомнинг бандини бекор қилишни талаб этдилар.

⊙ Брежнев даврида Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби бўлган ва бу лавозимдан 1985 йилда олиб ташланган, 70 ёшдан ошганига қарамай Т. Усубалиев куни-кеча республика халқ депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

⊙ 27 апрелдан бошлаб «Жигули» машиналарининг нархи яна бир ярим — икки бараварга қимматлашди. Бундан бир ҳафта олдин 114 минг сўм нархдаги «Жигули»нинг биринчи модели энди 253 минг сўмга сотиладиган бўлди. Унинг олтинчи модели бугунги кунда 286 минг сўмни ташкил этмоқда. Тўққизинчи модель ҳақида гапирмаса ҳам бўлади: унинг нархи ярим миллион сўмдан зиёдни, яъни 536 минг сўмни ташкил этди.

ХОРИЖДА

⊙ «Афғонистон ислом партияси» раҳбари Гулбиддин Ҳикматиёр ва унинг рақиби, «Афғонистон ислом жамияти» командири Аҳмад Шоҳ Маъсуд ўртасидаги келишув натижаларига кўра кеча Кобулда ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битим кучга кирди. Бу ҳақда Исломободдан Франс Пресс агентлиги Покистон ҳукумати вакили берган манбаларга асосланиб хабар қилди.

⊙ Эстония парламентининг комиссияси мактабда эстон тилини ўқимаганлар учун бепул бошланғич курсларни ташкил этишга қарор қилди. Курсларнинг битирувчилари рўзнома матнларини тушунишлари, эстон тилида ёза олишлари ва мулоқот ўтказа билишлари керак.

⊙ Жанубий Кореяда чоп этиладиган рўзномалардан бирининг хабар беришича ушбу мамлакатда 35 россиялик олим, шу жумладан қирувчи тайёраларнинг конструкторлари ишламоқда. Йилнинг охирига қадар Жанубий Кореяда собиқ СССРдан яна 120 олим иш бошлайди.

ОЛИЙГОҲНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

КЕЙИНГИ вақтларда шаҳримизда кўплаб турар жой бинолари билан бир қаторда маъмурий нуқталар ҳам қад кўтармоқда. Ана шундай қурилиш иншоотларидан бири Халқлар дўстлиги шоҳкўчасида қад кўтараётган хорижий тиллар олийгоҳи биносидир. Умумий баҳоси 4 миллион сўмдан ортиқ турадиган бу қурилишда Тошкент қурилиш бош бошқармасига қарашли баланд уйларни қуриш бўйича 11-трести 69-қурилиш бошқармасининг Зуфар Барашов, Владимир Петренко, Борис Идельчиклар бошлиқ бригадаларининг 220 кишилик бунёдкорлари меҳнат қилмоқда.

Ҳозирги кунда бу ерда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бошқарманинг Акмал Қурбонов, Анатолий Филатов, Абдуқаюм Исмоилов каби бинокорларининг самарали меҳнати туфайли бунёд этилаётган бу иншоот ишга туширилиш арафасида турибди.

Султонмурод УМАРОВ.

ХАЛҚ ТЕАТРИ ТУҲФАСИ

ТОШКЕНТ вилояти Ёшлар уюшмаси мукофотининг совриндори Йўлдош Охунбоев номидаги халқ театри «Алдасанг» номли саҳналаштирилган миниатюра ва қўғирчоқлар гулдастасини кўрикдан ўтказди. Кўрикда қатнашган «Қизиқчи 89—90» совриндори Туйғун Саъдуллаев, «Қизиқчи—90» совриндорлари Авазхон Толибжонов, Шукрулла Маҳкамовларнинг чиқишларини 400 га яқин томошабинлар қувноқлик ва мамнуният билан кутиб олдилар. Айниқса «Нигоҳ» дастаси хонандаси Нодиржон Маъруповнинг лирик қўшиқлари йиғилганлар қалбини мафтун этди. Маданият илмгоҳи дипломанти Қаҳрамон Маъруповнинг саҳналаштирган бу мусиқали асар халқ театрининг бу йилги энг йирик ишларидан биридир.

Тўлқин ИМОМХЎЖАЕВ.

ТАИЛАНДДА ЯНГРАДИ

ЎЗБЕКИСТОН билан Таиланд пианиночилари ўртасида яқин ижодий алоқалар кенгайиб бормоқда. Ўзаро келишувга биноан кўзга кўринган чолғучилар ва санъаткорларнинг борди-келдилари ҳам йўлга қўйилди.

Таниқли ўзбек бастакори Р. Абдуллаевнинг бу давлатга қилган ижодий сафари ҳам кўнгилдагидек бўлди. Мусиқа санъаткори шу ижодий учрашувлар давомида таиландлик бастакорлар билан яқин мулоқотда бўлиб, фортепьяно ижрочилик санъатини ривожлантиришга қаратилган қатор яхши тадбирларда иштирок этди. Айни бир вақтда у тан халқининг мусиқа маданияти, тарихи билан ҳам яқиндан танишди. Ана шу бой таассуротлар асосида бастакор Р. Абдуллаев тан мавзунда жозибали концерт тайёрлади. Мазкур қизиқарли томоша яқинда Таиланд давлатида баралла янгради.

Гап шундаки, яқинда кўзга кўринган созанда, профессор О. Юсупова Таиландда ижодий сафарда бўлиб, фортепьяно концертларини бериб қайтди. Шу мусиқа шодиёналарида моҳир созанда бастакор Р. Абдуллаев концертини маҳорат билан ижро этди.

Саодат ОДИЛОВА.

Халқ депутатлари район Кенгашининг ишлаб чиқариш, энергетика, транспорт, алоқа, экология ва ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссияси ўзининг бу галги йиғилишида экология муаммоларини изчил ҳал этиш тўғрисида белгиланган тадбирларни амалга ошириш жараёнининг боришини муҳокама этди. Унда мазкур комиссия раисининг муовини Охунжон Мусаев ўзи сайланган 22-мавзедаги сайловчилар талабини баён этди.

— Табобатчилар ва Университет шаҳарчалари атрофидан ўтган Тошкент бетонли айланма йўли ёқасига ёнилғи қуйиш шохобчаси нотўғри қурилганлиги, у экологияни бузаётганлиги ҳақидаги сайловчиларнинг шикоятини бир гуруҳ депутатлар билан атрофлича текшириб чиқдик, — деди у. Ёнилғи қуйиш шохобчаси мутасадди ташкилотлардан ижозат олингандан кейин қурилганлигини аниқладик. Фақат унинг экологик жиҳатдан зарар етказмаслиги учун атрофини кўкаламзорлаштириш керак. Бу ҳақдаги фикрларимизни ёнилғи қуйиш шохобчаси ходимларига айтдик. Уларнинг вакили комиссиямиз йиғилишида иштирок этяпти.

Сайловчиларнинг атроф-муҳитни муҳофаза этиш хусусидаги талабини амалга ошириш муддати белгиланган доимий комиссия йиғилиши қарори мажлисга таклиф этилган ёнилғи қуйиш шохобчаси вакилига топширилди. Ёнилғи қуйиш шохобчаси атрофини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишининг боришини назорат этиш доимий комиссиянинг икки аъзосига юклатилди.

** Ваколат*

КЎПНИНГ ТАШВИШИДА

Бу Охунжоннинг жамоатчилик ишларидан бир шингил холос. У район Кенгаши депутати сифатида ўз сайловчилари хонадонларини телефонлаштириш масаласини ҳал этиш учун ишдан бўш пайтларида шаҳар телефонлаштириш бошқармаси, шаҳар Кенгаши ва Ҳоким ижроия маҳкамасига қатнамоқда. Лойиҳа ҳужжатларини мазкур маҳкамалардаги мутахассислар билан ҳамкорликда тайёрламоқда.

... 90-ўрта мактабни битирган О. Мусаев ҳеч иккиланмай радиодеталлар (ҳозирги «Миконд») заводига ишга келди. Устага шогирд бўлди. Ишдан кейин, яъни кечқурун радио-телевизор устаси тайёрловчи қисқа муддатли пуллик курсда таҳсил олди. Билим ва тажрибаси унга ҳарбий хизматда ҳам қўл келди. Қисм радиостанцияси бошлиғи бўлиб ишлади.

Ҳарбий хизматни битириб келган Охунжон Мусаев дўстларига берган сўзи устидан чиқди. Яна «Миконд»да ишлай бошлади. Радио, иссиқлик техникаси асбобларини таъмирлаш участкасида ишлаш билан бирга билимини оширди. 1975 йилда Тошкент темир йўллар олийгоҳини сиртдан битириб, муҳандислик дипломига эга бўлди. Ҳозирги кунда у радио ва иссиқлик техникаси асбобларини таъмирлаш участкасига раҳбарлик қилмоқда.

«Миконд» заводида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш суръати 1990 йилга нисбатан 1991 йилда қарийб 113 фоизга ўсди. Завод маъмуриятини корхона маркаси билан чиқарилаётган маҳсулотларга халқнинг талаби ғоят ошиб бораётганлигини таъкидлаб депутатлар ва фаоллар олдига ҳом ашё танқислигини тадбиркорлик, ишбилармонлик билан енга бориб, маҳсулот ишлаб чиқаришда суръат ҳамда сифатни пасайтирмасликдек қатъий талаб қўйди. Бу талабни заводда ишлаётган маҳаллий Кенгашларнинг етти депутати барча ишчиларга етказдилар ва уларни унумли ишлашга даъват этдилар.

Охунжон Мусаев ўз шогирдларидан Наримон Пўлатов, Дониёр Бобоқулов сингари ўнлаб йигитларга ўрнак кўрсатиб ишлашга чоғланса, шогирдлари устозига ўрнак бўларли даражада меҳнат қила бошладилар. Корхона жамоасининг ягона мақсад сари астойдил интилишлари туфайли заводда жорий йилнинг уч ойида 20.214 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилишига эришилди. 1991 йилнинг дастлабки уч ойида эса 14.528 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилган эди. Ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан жорий йилнинг илк чорагида 139 фоиз ўсишига муваффақ бўлиниши жамоа учун, уларнинг ишбошилари бўлган депутатлар учун ғоят катта ютуқдир.

Бошқача қилиб айтганда, заводда товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати 1991 йилнинг илк уч ойига нисбатан жорий йилнинг дастлабки уч ойида 108,5 фоизга ўсган экан, албатта бунда тадбиркор ва ишбилармон О. Мусаев бошлиқ участка ишчилари, муҳандис-техник ходимлари ва депутатларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Худойназар ҒОЙИБОВ.

** Ўзбекистон ва АҚШ: ҳамкорлик қирралари*

«БИЗНЕС МАКТАБИ» МАШҒУЛОТЛАРИ ЧИМЁНДА БЎЛАДИ

Тошкент давлат иқтисоднёт дорилфунунидан 1991 йилда 20 нафар талаба Америка Қўшма Штатларининг Оачита дорилфунунига ўқишга юборилган эди. Ҳозир у ерда талабаларимиз илм сирларини мукаммал ўрганмоқдалар.

Яқинда Оачита дорилфунунининг профессори Билл Алдон Диксон ва «Бизнес мактаби»нинг профессори Ян Кош жаноблари Тошкент иқтисоднёт дорилфунунига келишди. Улар талабаларимизнинг ўқишлари, ҳаётлари ҳақида дорилфунун домлаларини, қолаверса, ана шу талабаларнинг отаоналарини боҳабар этишди. Ўзбекистонлик талабалар бериб юборган суратлар, соғинч мактубларини эгаларига топширишди.

Жамоатчи мухбиримиз шу муносабат билан америкалик профессорлар билан мулоқотда бўлди.

Билл Алдон ДИКСОН: — бизнинг дорилфунунимизда бултурдан бошлаб Ўзбекистондан борган 20 талаба таҳсил олмоқда. Улар асосан тижорат соҳаси ва унинг муаммоларига ихтисослашишмоқда. Шуни ҳурсандлик билан таъкидлайманки, улар жуда яхши ўқишмоқда.

Америкада талабаларнинг билим даражаси уларнинг эришаётган муваффақиятларига қараб белгиланади. Шундай экан, ўзбек талабаларининг айримлари бизнинг Америка талабаларидан ҳам яхши ўқимоқдалар. Масалан, Мурод Сатторов қобилияти, зеҳни ўткирлиги, тиришқоқлиги билан жуда ажралиб қолди ва ҳозир у, дорилфунуннинг энг яхши талабаси ҳисобланади.

Биз Ўзбекистон ҳақида умумий маълумотга эгамиз, холос. Лекин биламизки, мустақил давлатингизнинг иқтисоди энди ривожланяпти. Ҳар бир ривожланаётган мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистоннинг олдида ҳам ўзига яраша муаммолар бор. Ишончим комилки, ана шу зеҳнли талабалар, яъни бўлажак малакали мутахассислар Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётига арзирли ҳисса қўшадилар.

ЯН КОШ: — ўйлайманки, Ўзбекистондаги ҳозирги иқтисодий бўҳрондан чиқишнинг бирдан-бир йўли — қисқа муддат мобайнида зарур соҳалар бўйича малакали мутахассисларни тайёрлашни тезлаштиришдир. Бизда ўқиётган талабаларингиз бозор ҳақида, яъни жаҳон бозори иқтисодиёти ишлари ҳақида тўлиқ маълумот олмоқдалар ва тажриба орттирмоқдалар. Улар Ўзбекистонга келиб, олган билимлари асосида республика иқтисодиётини кўтаришда фаол қатнашадилар.

— Жаноб Ян Кош, Ўзбекистонга келиб биринчи эътибор берган нарсаларингиз нималар бўлди?

— Бу ерга келишимизданоқ ҳозирги республика раҳбариятининг хорижий мамлакатлар билан олиб бораётган алоқаларга очиқ муносабатини, иқтисодиётни ривожлантириш, халқ фаровонлигини кўтариш учун интилишларини яққол англадик. Бу ҳаракатлар орқали албатта яхши натижаларга эришиш мумкин. Бу ташаббусларни, ҳаракатларни оддий фуқароларингиз ҳам қўллаб-қувватламоқда. Бундай ҳамкорликнинг Республикани ривожлантиришдаги аҳамияти катта.

Эркин иқтисодий бозорда биринчи навбатда эркин ҳаракат қилиш керак. Ишбилармонларга эркинлик бериш зарур, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш даркор. Мана шу мен айтган ишлар республикангизда амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдим ва бундан шодландим.

— Ўзбекистон Республикаси мустақиллик сари одим ташлашда Туркия иқтисодий андозасига таяниб, улар билан ҳамкорлик қилмоқда. Сизларнинг фикрингизча Ўзбекистон қайси йўлдан борса биз кутган натижаларга эришиши мумкин?

— Республика мустақиллик сари шундай йўлни тутиши керакки, у кўпроқ халққа озодлик берсин-у, камроқ буйруқбозлик бўлсин. Мана шу йўл ҳақиқий самарани беради. Менимча, бирорта чет мамлакатнинг иқтисодий андозасини тўлиқ ўзлаштириб олиш ҳам тўғри бўлмайди. Хорижий мамлакатлардаги иқтисодий йўл-йўриқлардан республика ўзи учун керакли бўлган, маҳаллий халқ учун тўғри келадиган жиҳатларни танлаб олгани фойдалироқдир.

Бироқ иқтисодиётни ривожлантириш ҳақидаги баҳс ҳеч қачон тугамайди. Иқтисодиёт доимо ривожланиб, ўз олдидаги муаммоларни ҳал этиб келади. Ҳозирги кунда ҳатто Америка Қўшма Штатларида ҳам иқтисод соҳасида муаммолар бор. Бизда давлат иқтисодиёт устидан назорат қилиш масаласини кўндаланг қўймоқда.

Лекин демократик жамиятда турли мавзуларда мунозара доимо бўлиб туради. Албатта бу табиий. Чунки турли фикрлар муҳокама қилинади ва улар қандай бўлмасин эътиборга олинади. Шунинг учун қаерда рақобат, баҳс-мунозара бўлса, фикрлар хилма-хиллиги инобатга олинса, ўша ерда иқтисодиёт ва умуман бошқа соҳалар ҳам ривожланиб боради.

Билл Алдон Диксон ва Ян Кош жаноблари бу йил иқтисодиёт дорилфунунимизда ташкил қилинажак «Бизнес мактаби» тўғрисида домлаларимиз билан атрофлича келишиб оладилар. Улар дорилфунунда талабалар ва профессор-ўқитувчиларга маърузалар қилдилар. Ўқиш ва ўқитиш тизими, моддий база ҳамда Чимёндаги ўқув дам олиш оромгоҳи имкониятлари билан танишиб чиқдилар. Бу йилги ёзги «Бизнес мактаби» машғулоти 6 июлдан 20 августгача Чимёндаги оромгоҳда бўлиши ва унга Оачита дорилфунунидан тўрт профессор, 14 ассистент келишини маълум қилдилар.

Ғофир ЖАМОЛОВ.

«ЭСКИ ЖЎВА» БОЗОРИ МАЖМУАСИ

Суратли лавҳа

«ТашЗНИИЭП» лойиҳалаш илмгоҳининг муҳандислари, бош пудратчи сифатида катта ҳажмдаги қурилиш ишларини амалга оширган 11-баланд қаватли биноларни тиклаш трестининг 1-қурилиш бошқармаси ва махсус пардозлаш трестига қарашли 76-қурилиш бошқармаси пардозловчиларининг саъй-ҳаракатлари билан «Эски Жўва» бозори мажмуаси яратилдики, эндиликда шаҳримизга келган ҳар бир меҳмон бу ерга келишга орзуманд бўлади.

Келинг, бозор билан яқиндан таништирайлик. Навоий кўчасидан Сағбон кўчасигача икки томонга экилган ниҳоллар бугун анча бўй чўзиб қолган. Ўрта йўлдан бозорга кириб чиқаётган машиналарнинг кети узилмайди. Ўнг қўл томонда ҳунармандчилик расталари қад кўтарган бўлиб, бу ерда 60 дан ортиқ устахоналар жойлашади. Улар орасида ўзбек миллий ҳунармандчилигининг барча турлари ўрин олади. Мисгарлик, нақшинкорлик, бешиксозлик, чархчиликка бўлган усталар сизга хизмат кўрсатишади. Мана шу расталар ўртасида юз ўринли чойхона жойлашяпти. Ушбу чойхонанинг айнан мана бу ердан ўрин олишининг боиси бор. Ҳунармандларга топширилган буюртмалари бажарилгунча мижозлар бемалол салқинлаб чойхўрлик қилишади.

Ундан сал берида чап қўл томонда жойлашган нонвойхона бугун аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Новвойлар томонидан тайёрланаётган иссиқ, бўрсилдоқ нонлар харидорларни хушнуд этмоқда.

«Болалар дунёси» дўконининг қарама-қарши томони одамлар билан ўта гавжум. Яқинда бу ерда бир йўла саккиз дўкон харидорларга хизмат кўрсата бошлади. Конуссимон шаклда ишлаган бу савдо растаси мажмуасидан «Тоҳир ва Зуҳра», «Газлама», «Совғалар», «Дилноз» атторлик моллари, «Нафосат», «Шарқ гули», «Ғунча» ва воситачи дўконлари ўрин олган.

Улардан энг каттаси бўлган совғалар дўконига кирамиз. Бу ерда Бахтиёр Аноров бошлиқ 50 сотувчи харидорларга хизмат кўрсатмоқда. Дўконда трикотаж, оёқ кийимлари, газлама, атторлик, тайёр кийимлар бўлимлари мавжуд бўлиб, уларга савдо аълочилари Жорилла Нишонхўжаева, Абдулла Жалолов, Тўхтамурод Олимов сингари ўз касбининг усталари бошчилик қилишмоқда.

Бир кунлик савдо ўрта ҳисобда 250—300 минг сўмни ташкил этяпти. Айниқса, тайёр кийимлар ва трикотаж бўлимлари катта даромад келтирмоқда.

— Бизга шундай чиройли кошонани қуриб берган бунёдкорларга катта раҳмат,— дейди бизга Бахтиёр Аноров. — Ҳамшаҳарларимизга шунга яраша кўнгилли хизмат қилишга ҳаракат қилямиз.

«Шарқ гули» «Совғалар» билан ёнма-ён жойлашган. Бу ерда 26 сотувчи ишлашяпти. Дўконнинг ҳар учала — зардўзлик, сопол идишлар, халқ миллий чолғу асбоблари бўлимлари харидорлар билан тўла. Биз улардан бирини суҳбатга тортамиз.

— Умуман кейинги вақтларда «Эски Жўва» бозори қиёфаси танимайдиган даражада ўзгариб кетди. Яқинда ишга тушган мана бу саккизта дўкон эса ҳамшаҳарларимиз учун катта қулайлик яратди. Чунки бу ердан истаган нарсангизни топишингиз мумкин, — дейди 1-автокомбинатнинг кекса ҳайдовчиси Зиёмиддин Иноғомов.

«Марҳамат» озиқ-овқат дўкони олдидан ўтиб борарканмиз диққатимизни янгигина экилган ниҳоллар ўзига тортди. Уларни ихлос билан парвариш қилаётган ўрта ёшли кишидан бу йил қанча дарахт кўчати экилганлигини сўраймиз.

— Мевали дарахтларнинг ўзидан 300 тупини экдик. Улар орасида ўрик, олма, гилос, шафтоли, тут, ҳатто хурмо кўчатигача бор.

— Сиз боғбонмисиз?

— Йўқ, мен мана шу дўконнинг катта сотувчиси Абдумажид Самадов бўламан. Бизда шунақа тартиб. Ҳар куни бир кишидан навбатчилик қилиб мана шу ниҳоллар парвариши билан шуғулланамиз. Бўлмаса қуриб қолади.

Мана бу тартибга қойил қолдик. Қани энди ҳамма жойда ҳам шундай усул жорий этилганида эди, аллақачон пойтахтимиз энг яшил шаҳарлардан бирига айланган бўлар эди.

Пастдаги сайхонликда қуриб ниҳоясига етказилган фаввора салобат тўкиб турибди. У ишга туширилса бу атрофдан ўтганлар бир зум шу ерда ором олмай иложлари йўқ.

Кунгирадор бозорнинг орқа олди ҳовлисига турли-туман гул кўчатлари экилган. Ғунча ёзиб турган бу гуллар эртага очилиб, атрофга янада файз киритади. Шу ерда биз шаҳар бозорлари бошқармаси бошлиғи Раҳматулла Муродхоновни учратиб қолдик.

— Бозоримизга чет эллардан ҳам жуда кўплаб меҳмонлар келади. Шунинг учун уни ҳамиша озода сақлашга ҳаракат қиламиз. 30—40 дан ортиқ фаррошлар кунни тонгга улаб бозор расталарини супуриб-сидиришади. Бу йил ҳам теварак атрофни ободонлаштириш йўлида анча ишлар қилинди. Гул ва дарахт кўчатлари экдик. Олдинги йилларда ўтқазилган баъзи бир мевали дарахтларимиз эса ҳосилга кира бошлади...

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

СУРАТЛАРДА: бозор қурилиши ва янги очилган дўконларда.

Холмат Мирзакаримов суратлари.

** Бу нола—кимга ҳавола?*

ИНСОФ БОРМИ, КОСИБЛАР?

БАҲОР ҳавоси эмасми, ўткинчи ёмғир ёғаётгани сабабли паналаб, автобус бекатида тургандим. Яқин дўстимни учратиб қолдим. Қарасам, оёғида янги этик.

— Қиш тугаганда, этик олибсиз, муборак бўлсин, — дедим.

— Бутун қиш бўйи қидириб тополмаган эдим. Кеча ширкат дўконида сотаётган экан, қиммат бўлса ҳам олдим. Ёмғир ёғаётгани учун бугун кийиб чиққан эдим, — деди у.

— Буюрсин дўстим, буюрсин! Этик оёқни бақувват тутади, илоё кўпга чидасин.

Шу пайт автобус келиб қолди. Дўстим хайрлашиб унга чиқди. Эртасига дўстимни яна учратдим. У ширкатчиларни куракда турмайдиган сўзлар билан сўкарди. Бунчалик фиғони фалакка чиқишининг сабабини суриштирсак, кечаги этигининг таг чарми, намликдан кечга бормаёқ кўчиб кетибди, Таги кўчгач, ингичка иплар билан тикилган жойлари ҳам сўкилипти.

Ана нархи осмонда бўлган ширкат маҳсулотининг натижаси. Ахир, этикни ҳам газлама тикадиган ингичка 40-ип билан тикадими?

Ҳали-ҳали ёдимда, косиб қўшнимиз бўларди. У ипни эшиб ниҳоятда пишитарди, кейин тикишга урнар эди. Бир куни ипни эшавериб ингичкартиб юборингиз узилиб кетмайдими, деб ҳазиллашдим. «Узиб кўр» деди. Йигитлик эмасми, кучга ишониб, шундоқ тортдим. Ип узилиш ўрнига бармоқларим гўштини пичоқдек кесиб суякка етди. Бир неча кун қўлни боғлаб юрдим.

У киши этик тикканида, тагига темир мих эмас, ёғоч мих қоқарди. Этикнинг тагга намга теккан сари ёғоч мих шишиб, тобора чармтагни мустаҳкамлайверади, дер эди. Бундай этикнинг бирини бўйдоқ пайтимда олиб, то уч фарзандлик бўлгунча кийганман.

Ҳа, у пайтнинг усталарида инсоф, диёнат бор эди. Улар косиблик касбини чинакамига улуғлардилар. Тиккан этигининг қанчалик узоқ муддатга чидаши билан фахрланишарди. Ҳозиргилар эса бунинг акси. Айниқса, ширкатдагиларнинг инсоф ўрнини ҳам жирғалдон эгаллаган. Бугунги тиккан этиги эртага чидамаса-ю харидор яна харид қилаверса...

Қизиқ, ширкатлар маҳсулотининг сифатини ким назорат қилади? Ким уларни тартибга чақиради? Қачонгача харидор ширкатдан олган буюмига куйиб қолаверади?

Маҳкам ҲАКИМОВ,
меҳнат фахрийси.

** «Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар*

«Қачонгача қийналамиз?»

Шу сарлавҳа остида рўзноманинг шу йил 10 март сонида мақола эълон қилинган бўлиб, унда «Сергели—7» ва «Олой» бозори оралиғида қатновчи 38-тезюрар автобус йўналишидаги камчиликлар баён этилганди. Текшириб чора кўриш учун Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасига жўнатилган бу материалга жавобан яқинда рўзнома бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари Н. Шаропов имзоси билан қуйидаги жавоб хатини олди.

«Мақола бирлашма ходимлари ҳамда 4-автокорхона раҳбарлари иштирокида ўрганиб чиқилиб, унда келтирилган камчиликлар тўғри деб топилди. Ҳақиқатан ҳам «Сергели — 7» ва «Олой» бозори оралиғида қатновчи 38-тезюрар автобус йўналиши шу йилнинг январь-февраль ойларида ёмон ишлаган. Бу муддат давомида йўналишга ражадаги 865 та ўрнига 746 та автобус чиқарилган. Бу икки ой мобайнида белгиланганидан 119 та автобус кам йўлга чиқди демакдир. Бунинг асосий сабаби автокорхонамиз умуман янги автобусларни олмай қўйганлигидадир. Устига устак эҳтиёт қисмлар танқислиги, ёнилғи билан таъминлашдаги узилишлар ҳам ишимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Лекин шунга қарамай, «Сергели — 7» даҳаси аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилди.

Бу йўналиш учун 5 та қўшимча янги автобус ажратилди. Шу йилнинг 8 мартидан бошлаб янги 8-автобус йўналиши йўлга қўйилди. Йўналиш ушбу даҳа аҳолисини метронинг «Чилонзор» бекати билан боғлайди. 1 апрелдан бошлаб 36-йўналиш бўйлаб қатновчи 11 ўринли такси машиналари, 28 ўринли «ПАЗ—3205» маркали автобуслар билан алмаштирилди. Бу эса йўловчилар оқимини камайтиришга анча қулайликлар яратади.

«Сергели — 7» даҳаси бўйлаб қатновчи автобуслар ишини назорат остига олиш 4 ва 12-автокорхона раҳбарлари М. Тўлаганов, У. Ражабовлар зиммасига юклатилди.

«Павлов кетди, тартиби қолдими?»

Шу сарлавҳа остида рўзноманинг 1992 йил 13 февраль сонида босилган мақолага меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредитлар бериш банки Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўртоқ З. Мусаевдан жавоб хати келди. Жумладан унда шундай дейилади:

«Танқидий мақола бошқарма жамоаси ўртасида кенг муҳокама қилинди. 14/02 87 сонли жамғарма банкининг Ленин районига қарашли филиали кассири С. Акбарова ташриф буюрувчилар билан бўлган қўпол муомаласи учун қаттиқ огоҳлантириш берилди. Шунингдек у биринчи чорак мукофот пулидан маҳрум этилди».

«Бор отанга, бор онанга»

«Тошкент оқшоми»нинг шу йил 10 март сонида босилган юқоридаги сарлавҳали материалга ҳам Тошкент шаҳар почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи С. Ҳатамовдан жавоб хати келди. У қуйидаги мазмундадир:

«Мақолада келтирилган фактлар жойларга бориб текширилди ва тўғри деб топилди. 95-алоқа бўлимининг баъзи бир хизматчилари жойларда обуначиларнинг даъволарини қондириш учун ўз вақтида зарурий чораларни белгиламаганликлари учун Октябрь район алоқа тармоғи бошлиғининг буйруғи билан интизомий жазо олишди. Айбдорлар ҳисобидан даъвогар Абдусаломовга «Тошкент оқшоми»ни тўла олмаган кунлари учун жарима пули ундириб берилди ва у 2/120 почта ўтказмаси билан расмийлаштирилди. Бундан кейин обунани манзилига рўзномани ўз вақтида етказиб бериш чора-тадбирлари кўрилди».

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг иловаси № 14

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг саҳифаси



* *Шахсий фикр*

ГУЛ ОЧИЛГАН ПАЛЛА

БАҲОР, хусусан апрель ҳақида ёзишни ниҳоятда яхши кўраман. Сабаби оддий: апрель кўкламнинг гулгул очилган палласи бўлади. Икки кунда, уч кунда оламнинг булутларнинг кўз ёшига чўмилишини айтмайсизми? Бирам ёқимлики ёмғир томчилари! Айниқса уларнинг чечакларнинг гул косаларида чайқалиб туришини тасаввур қилинг? Қани унга таъриф, қани унга сўз?!

Сизни билмадиму ёмғир шивалаб ёғиб турганида кўчаларда сайр қилиш жуда ҳам шукуҳли туюлади. Юраверасиз, юраверасиз. Ҳаво мусаффо, тоза. Ҳар нафас олганингизда чанг-тўзон ютиб ўрганиб қолган ўпка қуртгур бу тозаликка кўниколмай оғрийди денг!

Аввалари марказий кўчаларнинг четларида, умуман, салгина бўш жой борки барчасида гулларни кўрардингиз. Гулсафсар, мойчечак, пиёнгул, атиргул, шойигулларнинг чиройидан кўз қамашарди. Уларга соҳибкорлар парвона эдилар. Энди, ҳаттоки хиёбонларда ҳам гулларни учратиш маҳол бўлиб қолди.

Тошкентликман, қаерга борсам аввало ўша шаҳарни пойтахтга қиёслайман. Гоҳ-гоҳида бу қилган ишимдан пушаймон ҳам бўламан.

Яқинда чўлларнинг дурдонаси Қаршида бўлган эдим. Поезддан тушсам ёмғир ёғиб ўтган экан, Шоҳбекатдан шаҳар марказига қараб кетяпмиз. Ана гулу мана гул! Тағин қаерда денг? Ҳар томчи сув олтиндек баҳоланадиган Қаршида. Айниқса, Эски шаҳар тарафга кетаверишдаги кўчанинг икки бети чодирчаман бўлиб ётибди. Тағин ҳаммаси атиргул денг! Кўчанинг икки чети ҳам, ўртасидаги жиндаккина жойда ҳам гул. Маъмурий биноларнинг атрофларинику қўяверинг! Беихтиёр балли деб юборасан киши.

Наманган шаҳридаги манзара бундан ҳам ўзгача, бундан ҳам гўзал, бундан ҳам дилрабо, Истиқлол боғларидаги алвон атиргулларга қараб тўймайди кўзинг. Ҳар баҳорда ўтказиладиган гул байрамигаку бутун шаҳар қатнашади.

Тошкентдек шаҳри азимда шу каби ажойиб гулзорлар йўқлиги, борлари ҳам бир аҳволда эканлигини ҳар гал алам билан эслайман. Аввалари Эски Жўва майдони билан Хадра майдони ўртасида йўл айриғич бор эди. То Хадрага етгунча наъматаклар, қирқоғайнилар қипқизил бўлиб очилиб ётарди. Ҳозир негадир йўқ: йўл айриғични текислаб юборишган. Икки йилдан бери чанги чиқиб ётибди. Кўчани айтмайсизми? Номи Зарқайнару, худди тунаб кетилган йўловчига ўхшаб қолган.

Бизда кейинги йилларда ғалати бир одатлар пайдо бўляпти. Буни «марказлаштириш» деса ҳам бўлади. Ҳеч шу одатни тарк этолмаётибмиз. Шаҳар боғридаги беш-олтита боғда беш-ўн туп атиргул, тугмачагул, қўқонгулларни экамизу бошқа жойларга майса сепиб ташлаймиз. Кўм-кўклиги ёқса керак-да! Шу сабаб шаҳримиз кўчаларида юрсангиз худди Саратов, Самарада юргандек бўласиз. Дарахтидан тортиб кўкатигача ўхшайди. Миллий республиканинг пойтахти ўз миллий қиёфасига эга бўлиши керакми? Керак! Бизнинг биринчи миллий белгимиз меъморчилигимиз билан белгиланса, иккинчиси мевали дарахт ва гулларга ўчлигимиз билан ўлчанмайдими? Яшил йўлкаларда, майсазорларда ёйилиб молҳол боқмасак...

Шуларни ўйлар эканман беихтиёр Фармонбувани эслаб кетаман. Оддий болабақра қаёқда турсин, ҳатто каттароқ амалдорлар ҳам Сағбон кўчасидаги бир туп ниҳол, бир туп гулга даҳл қилолмасди. Жон-дилидан севарди гул-гиёҳни бува! Ҳар битта хонадонга кириб қойигани-қойиган эди:

— Ҳой, нима бўлди сенларга! Нима бўлди ўзи, худодан қўрқмайсанларми? Қара, шунча ер бўш ётибди. Ернинг умрини ўтказиб нима қиласан! Эксангчи у-бу нарса! Ҳеч бўлмаса гул эк! Кўрсанг баҳри-дилинг очиладику.

Шаҳар кўчаларини кезиб юриб беихтиёр: «Қаёқдасиз Фармон бува!» деворгим келади. Айниқса, у киши Эски Жўва майдонидаги, Хадра майдонидаги, Ўзбекистон Миллий боғидаги манзарани кўриб портлаб кетарди, деб ўйлайман. Хадра майдонидаги улкан бетон гултувакларга нима дейсиз? Гўё майдон қазо қилгану унга тош қўйилганга ўхшайди! Оз-оз тупроқ тўкиб сал баландроқ қилинса, гул экиб ташланса гуркираб ўсмайдими? Нима кераги бор табиий бир ўлкада сунъий манзара яратиб, кишилар дийдасини қотириб?

Навоий кўчаси бўйлаб у ер-бу ердаги гулзорчаларда эллик-олтмиш туп гул бор демасак, қанчалаб ер бўш ётибди.

Бундай кўриниш ҳар битта майдонда, ҳар битта кўчада бор. Унинг совуқлиги, айниқса, баҳорда жуда ҳам яққол кўзга ташланади.

Кўклам — гул фасли. Қиру адирлар ҳозир анвойи гулларга бурканган. Биз шаҳарда гул етиштириш, шаҳримизни гулга ўраш ўрнига ўша табиатга ҳам ҳужум қилмоқдамиз. Ҳозир бозорларда лолаларнинг бозори чаққон. Қучоқ-қучоқ лолалар жарақ-жарақ пулга айланадилару, икки-уч кунда

хазон бўладилар. Биз лолага қўшиб мунислик, меҳр-шафқатни ҳам қўшиб сотмаяпмизми?

Ҳатто саҳройилар ҳам ҳеч бўлмаса бир туп саксовул экиб, сичқон қулоғидек барг чиқарганини кўриб, қалби шодликка тўлади. Шаҳримизнинг истаган ерига қуруқ чўп суқсангиз, уч кундан кейин кўкариб кетади. Биз эса лоқайдмиз, ўсиб турган нарсани юлиб сотиш билан оворамиз.

Шаҳрим кўчаларига раҳмим келади. Икки четида гуллари барқ уриб ётмаса, бетон ариқларидан сув оқмаса, мевали дарахтлар пишиб ётганини бир марта кўрмаса... Кўчаларга эмас, аслида ўзимизга раҳмим келяпти. Қанчалар қўли гул, йўли гул, ери гул инсонлар эдик. Бугун эса юрагимиз мармардек совуқ бир тошга айланиб бормоқда.

Гул—бу баҳор! Гул — бу муҳаббат! Гул — бу юракларда уйғонадиган эзгулик акси! Гул—бу ҳусн, гўзаллик!

Тошкентим, ҳарна бўлса ҳам бизни, лоқайду номеҳрибон фарзандларингни кечир. Бугун бўлмаса келгуси баҳор қучоғинг гулларга тўлиб кетишини кўриш насиб этсин, онажон шаҳрим!

Толиб АБДУЛЛАЕВ.

БИЛИМ БОЙИСИН

КИШИЛАРНИ фақат табиатни асрашга ундов билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаяпти. Унга бўлган қизиқишимиз билан ҳам табиатнинг қайта жонланишига ёрдам беролмаймиз. Одамларда табиатга нисбатан эътиқод бўлмоғи, буни мактабданоқ болалар онгига сингдирмоқ зарур. Ўқувчиларда бундай эътиқод табиий билимларни ўрганиш замирида туғилади. Табиатнинг бирор жиҳати йўқ-ки, бир-бирига боғлиқ бўлмаган бўлсин. Болаларнинг аҳлоқ-одобга ўрганиши унинг атроф-муҳитга бўлган эътиборини ҳам кучайтиради. Ўқувчиларга таълим бериш сифати ва касбга йўналтириш ишларини янада яхшилаш, уларни меҳнат ва жамоатчилик фаолиятини фаол ривожлантириш қоидаларини характерлайдиган норматив кўникмага ўргатиш босқичлари табиий билимларни ўзлаштиришга йўл очади. Инсон ўзи фойдаланадиган табиий бойликларнинг қадрига етмоқлиги керак.

Қишлоқларимиз табиати пахта якка ҳокимлиги туфайли бузилган бўлса, шаҳримиз кўп қаватли бинолар қурилиши, техника воситаларининг кўпайиши туфайли мусаффо ҳавосидан айрилди. Бу — барчага аён гап. Аммо асосий мақсад ана шу масалаларни, муаммоларни қайта туғилмаслигининг олдини олишда.

Инсон табиатнинг бир бўлаги эканлигини ҳис этиб яшамоғи учун сув, ҳаво, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига оид илмларни чуқур ўзлаштирмоғи жоиз. Бунинг учун мактабларда дастлаб экологик билимларга кенг имконият яратиш, ўқувчиларда атроф-муҳит муҳофазаси учун жавобгарлик ҳиссини пайдо қилиш, камол топтириш барча педагогларнинг вазифасидир.

Зуҳра ГАДОЕВА,
ўқитувчи.

ЖАРИМА КОР ҚИЛМАЯПТИ

ШАҲАР табиатни муҳофаза қилиш комитети ўтган март ойида 28 автотранспорт, 21 кичик корхона ва бошқа ташкилотлар ишларини кўздан кечириб чиқди. Минг афсуслар бўлсинки, табиатга бўлган муносабатларда ўзгаришлар жуда кам юз беряпти. Умумий ҳисобда айтадиган бўлсак ҳавони муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунни бузгани учун 15 мансабдор шахс 1500 сўм миқдорида жарима билан «сийландик», Бектемир қурилиш материаллари ва қурилмалари комбинати, «Виола» кичик корхонаси, яна бир Бектемир темир-бетон маҳсулотлари, «Таштекстильмаш» заводлари, «Аланга», «Эман» сингари кооперативларнинг 10 дан зиёд цехи,участкаларини ёпиб қўйиш ҳақида қарор қилинди.

Автомобиллардан чиққан заҳарли газлар миқдори ошиб кетгани, уни назорат қилмагани учун 6 мансабдор шахсга 600 сўм ҳажмида жарима солинди. Улар орасида республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг автобазаси, 10-автомобиль таъмир заводи сингари нуфузли ташкилотлар борлигидан ранжийди, киши.

Худди шундай сувдан хўжасизларча фойдаланганги, юқоридаги ва еростидаги сувларни ифлослантиргани, сувлари муҳофаза этиладиган зоналардаги тартиб-қоидани бузгани учун 35 мансабдор шахс 7050 сўм миқдорида товон тўлайдиган бўлди. Яна турли корхоналарга 211329 сўм ҳажмида жарима тўлаши учун даъво қилинди. Кўплаб корхоналар, автобазалар фаолияти тўхтатиб қўйилди. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан меъёр билан фойдаланиш тўғрисидаги қонунни қўпол равишда бузгани учун 17 шахсга 850 сўм жарима белгиланди, 45000 минг сўм миқдорида даъво қоғозлари тўлдирилди. Буларнинг ҳаммаси бепарволикнинг аччиқ меваларидир.

Айтаверсак, ёзаверсак гап кўп. Чамаси корхоналарнинг ҳозирги иқтисодий танг аҳволда жарима учун тўлайдиган пуллари серобга ўхшайди. Бўлмаса, Бектемир қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати, Тошкент чинни заводидаги совуққонликни нима деб баҳолаш керак? Агар комитетимиз томонидан қўйилган ҳаво тозалагичларини мўътадил ишлаши билан боғлиқ кўрсатмаси бажарилганда шунчалик аччиқ сўз айтишнинг, дилсиёҳликнинг ҳожати бўлмасди. Ишчиларнинг ҳам соғлиғини сақлаш йўлида бир хайрли қадам қўйилган бўларди.

Худди шундай автотранспорт корхоналаридаги 637 автомобиль қатъий текширувдан ўтказилди. Улардан 30 таси заҳарли газларни кередан бир неча марта ортиқ чиқариб, ҳавони булғаётган бўлса ҳам ишлатаверилган. Тошкент шаҳар автоишқибозлари кўнгилли жамиятининг иш фаолияти кўздан кечирилганда, шундай кўнгилсизликларга дуч келиндики, асти қўяверасиз. Бу ташкилотда диагностика, яъни ёнилғини меъёрлаб турувчи ускунани текширувчи асбоблар умуман йўқ экан! Автомобилларни текшириш борасидаги хатхабарлар ёзиладиган ахборотнома-дафтар тутилмаган. Умуман бу ерда ҳали бирон марта машиналарнинг аҳволи тузук-қуруқ назоратдан ўтмаган! Аввалари тавсия этилган бажарилиши зарур бўлган тадбирларнинг бор-йўғи ярми бажарилибди! Совуққонлик ҳам шунчалик бўладими ахир! Тошкент трамвай-троллейбус хизмати бошқармаси авариятиклаш хизмати машиналаридаги аҳвол бундан ёмон бўлса бордир, аммо яхши эмас!

Буларнинг устига устак кичик корхоналар, кооперативлар бизнинг ишимизни қийинлаштиряпти, холос.

«Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак», дейди халқимиз. Инсон учун сув, ҳаво — ош билан нондек зарур. Таассуфки, буни ҳар лаҳзада унутиб қўяяпмиз. Қонунбузар, тартиббузар мансабдор шахсларга, корхоналарга жарима сола-сола чарчадик. Энди қатъий, маъмурий жазолар қўллаш фурсати келганга ўхшайди.

Муборак ХОНХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети бўлимининг мудири.

* *Долзарб мавзу*

ЗОР ҚАҚШАГАН АНҲОРЛАР

ТОШКЕНТ шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети тузилгандан кейин шаҳар каналлари, уларнинг санитария-экологик аҳволини яхшилаш хусусида бир эмас, бир неча марта қарорлар қабул қилинди. Лекин, тан олиш керак, бизнинг оқар сувларимиздаги аҳвол, барибир кўнгилдагидек эмас.

Яқинда бўлиб ўтган йиғилишда 1991 йил 10 июнда қабул қилинган «Салор ва Қорасув каналларининг оғир санитария-экологик ҳолатини яхшилаш хусусида»ги қароримизнинг ижросини кўриб чиқдик. Бунда ўзаннинг тозаланиши, унинг ён-атрофларидаги қурилишларни тўхтатиш, канал соҳилларини тозалаш, айниқса, саноат корхоналари чиқиндилари ташлашни тўхтатиш масаларига алоҳида эътибор берилди.

Хўш, натижа нима бўлди? «Ўзхимфарм», «Полимер», махсус мебель ишлаб чиқариш бирлашмаларининг, «Каноп» комбинатининг, грампластинкалар заводининг «маҳсулоти» бўлмиш 136000 кубометр ишлаб чиқариш чиқиндилари, ифлосланган сизот сувлари деярли тўхтатилди. Ёлғиз «Средазэлектроаппарат» корхонасининг ўзигина йилига 530 000 кубометр чиқинди «етказиб» берар эди. Бунга ҳам чек қўйилди. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлатилган сувлари шаҳар канализация тармоқларига уланди. Бундан ташқари каналлар соҳиллари бўйлаб шахсий хўжаликларда мол-ҳол боқишга ҳам барҳам берилди. Иккала каналларнинг ўзани қайта таъмирланмоқда. Ҳозир Қорасув каналининг ҳудудини тозалаш давом эттирилмоқда.

Ўтган даврнинг ичида белгиланган тадбирларни бажармаганлиги, қонунчиликни бузгани учун 98 мансабдор шахсга 12 000 сўм миқдорида жарима солинди. Етти корхонага эса 300 000 сўм ҳажмидаги экологик тадбирни бажармаганлиги учун протест эълон қилинди. Улар орасида «Сувсоз» трести, қоғоз фабрикаси, «Тошкентвино» комбинати, Тошкент трактор заводининг борлиги кишини ранжитади, холос. «Антик» кооперативини, «Каноп» комбинати машина ювиш хизмати, 2-автопаркнинг ёқилғи қуйиш тармоғи, «Средазкабель» корхонасининг бир цехини ёпиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди. Яқинда Чкалов номли самолётсозлик ишлаб чиқариш корхонасининг 58, 59-цехларида ҳам иш тўхтатилди. Уларнинг ҳаммаси ер ости сувларини ниҳоят даражада ифлослантиришда «айбланади»лар.

85 тадбирни ўз ичига олган катта режамизнинг учдан бир қисмигина бажарилганини афсус билан таъкидлашимиз лозим. Ҳўпгина тадбирларнинг бажарилиш муддати аллақачон тугади, лекин каналларда, сув ҳавзаларидаги аҳвол ўша-ўша. Буларнинг ҳаммаси бизни ташвишга солади, холос.

Шаҳардаги санитария-экологик аҳвол борган сари ёмонлашмоқда. Канал сувларини нефть маҳсулотлари билан «тўйинтириш» жадал суръатда давом этмоқда. Қорасувнинг Тошкент трактор заводи ҳудудидан оқиб ўтадиган «Чароғон» деб номланган зовурда заҳарланиш даражаси 40 фоизга етди! «Чкалов» метро бекатидаги ер ости сувларини Қорасувга ташланиши оқибати ҳам ёмон бўлмоқда. ТАПОИЧнинг «марҳамати» билан бу ерда заҳарланиш меъёри 300—1300 фоизга ортиб кетган. Бу ҳаёт учун бориб турган зиённинг ўзи!

Худди шундай, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Таштекстильмаш», «Средазгазавтоматика», «Ташсельмаш» заводлари, 4-, 7-автобус парклари, Тошкент ҳайвонот боғи канали ғиппа бўғиб, чалажон, қилишда «илғор» бўлиб келяптилар. Уларнинг назарида табиатни муҳофаза қилиш — унчалик муҳим иш эмас, кутиб турaверади. Йўқ, ҳурматли мутасадди ўртоқлар, табиат ортиқ кутиб турмайди! Буни бир лаҳза унутмайлик. Мабодо экологик аҳвол ҳалокатли бўлар экан, бу биргина ўша ҳудудгагина эмас, умуман шаҳарнинг ҳаётига ўнглаб бўлмас зарба беради. XI асрда араб тарихчилари Салор сувининг покизалиги, шаффофлигидан ҳайратга тушган бўлсалар, бугун канал сувларида лоақал биронтагина сув жонивори йўқлиги бизни ҳайратга солмоқда. Шаҳар бўйлаб «ўлик сув» оқяпти ахир! Бу наҳотки ҳеч кимни ташвишга солмаса!

Қирғоқдаги режасиз уй қуришлар ҳам Салор канали сувларини тозалашга имкон бермаяпти. «Обод» маҳалласи, Вахш кўчасида яшовчиларнинг қурилишлари фикримиз далилидир. Бозор иқтисодиёти қистибастига олган шу кеча-кундузда шаҳар ҳокимияти бу уйларни бузиб, одамларни уй-жой билан таъминлашга имкон тополмаслиги аниқ.

Яна бир гап: Куйбишев районида ҳали ҳам ерларни шахсий гараж, қўшимча қурилиш учун ажратиб бориш давом этмоқда. Афсуски, шу қурилишлар оқар сувларни ҳимоя қилиш минтақаларида олиб борилмоқда. Бу қонунчиликни бузишдан ўзга нарса эмас.

Қорасув ва Салор каналларидаги бугунги кундаги аҳвол, манзара ана шундай. Санитария-экологик аҳволни бу даражада тубанлашиб кетишига айбдор бўлганлар билиб қўйсинлар: уларнинг хатти-ҳаракати табиатни муҳофаза этиш қонунчилигини бузишгина эмас, балки атроф-муҳитга муносабатдаги оғир жиноят, келгуси авлод ҳаётини батамом хавф остига қўйиш ҳамдир.

Шоира ИБРОҲИМОВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг раиси.

БУ—БЕФАРҚЛИК-КУ

МАЪЛУМКИ, Фрунзе районидаги экологик аҳвол бугун жуда мураккаб ҳолга тушмоқда. Бунинг бир неча сабаблари бор. Ҳар хил саноат корхоналари, тайёрагоҳ, темир йўл каби йирик транспорт ташкилотлари, шаҳарнинг энг гавжум автотранспорт йўллари айнан шу район ҳудудидадир.

Ҳар йили саноат корхоналаридан 120 минг аҳолиси бор район осмонига тахминан 450 минг тонна зарарли чиқиндилар ёйилади. Шулардан 80 фоизи автотранспортдан чиқади. Йил давомида районнинг ҳар фуқаросига 0,2 тонна атрофида зарарли, шу жумладан инсон соғлиғига жуда хавфли чиқиндилар тўғри келади.

Райондаги табиат мутаносиблигини қандай тикласа бўлади? Район ҳокимиятида табиатни муҳофаза қилиш комитети, оммавий ахборот воситалари вакиллари, раҳбарлар ва жамоатчилик билан ўтказилган суҳбат шу мавзуда бўлди. Шундан сўнг, шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари мухбирлар билан бирга корхоналарда навбатдаги текширув ўтказдилар.

Эркин нарх-наво исканжасида биз фойда кетидан қувиб асосий нарсани эсдан чиқарганмиз. Табиат хатоларимизни кечирмайди, унга ниҳоятда эътиборли бўлмоғимиз лозим.

Расмлардаги ҳеч қандай изоҳ талаб қилмайдиган аҳвол хўжасизлик ва атроф муҳитга шу бефарқ муносабат оқибатидир.

СУРАТЛАРДА: Тошкент иссиқлик энергияси маркази корхонаси майдонидаги манзара; 6-автобаза корхонасидаги аҳвол.

Андрей Пишненко суратлари.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ЎЗБЕКИСТОН табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ихтирочилик фаолиятини янада ривожлантириш, ижодий фаолликни ошириш мақсадида табиатни муҳофаза қилиш соҳасида танлов эълон қилади. Танлов муддатларини якунлаш қуйидагича белгиланди: 1992 йилдан бошланган рационализаторлик таклифлари бўйича якун 1993 йилнинг февраль ойида бўлади. Энг яхши ихтиро ишлари бўйича эса 1994 йилнинг январида эълон қилинади.

Танлов табиий манбаларни сақлаб қолиш, атроф-муҳит муҳафазасини яхшилаш, табиатни ифлослантиришни кескин камайтириш, чиқиндисиз ишлайдиган технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чиқиндиларни зарарсизлантиришга эришиш йўлларини тезроқ ҳал этиш мақсадида ўтказилмоқда.

Танловга ишлар 1993 йил 25 январдан кечикмай тақдим этилиши керак. Рационализаторлик таклифларига кўргазмали чизмалар, ишлаб чиқаришга тадбиқ этилгани тўғрисидаги, унинг натижаси ҳақидаги ҳужжатлар ҳам илова қилиниши шарт.

Ғолибларга мукофотлар қуйидагича белгиланган: рационализаторлик таклифлари учун:
биринчи мукофот — 1000 сўм;
иккинчи мукофот — 800 сўм;
учинчи мукофот — 500 сўм.
Энг яхши ихтиролар учун:
биринчи мукофот — 1.5 минг сўм;
иккинчи мукофот—1.200 сўм;
учинчи мукофот — 1000 сўм.
Танловга марҳамат, ихтирочи ва рационализаторлар!

ИЛТИЖО

Жонин бахш айлаган йўқ эмас зеро,
Қадрин бахш айлаган йўқ эмас зотан.
Чўл кезди, дашт кезди тун, саҳар саҳро
Пахта ишқи билан халқим одатан.
Раҳна солди гарчи, шуҳрат талаби
Кўксинга нимадир санчилиб бехос,
Қовжираб, қуриши офтобда лаби
Умиди — пахтадан кечмади ихлос.
Боғ-роғлик истардим мен унинг омон,
Мол-ҳоли, яйлови сут бўлсин юртда.
Ғўдак туғилмасин битта ҳам нимжон.
Соч толаси ҳатто ёнмасин ўтда.
Оққушлар кўлларни тарк этмасин ҳеч,
Турналар, булбуллар, тўрғайлар учсин.
Инсон саодати — муҳаббат, севинч,
Юксак орзулари фалакни қучсин.
Техникалар асри, улғайиш-ку зўр,
Дарахтлар сингари кранлар юксак.
Асфальт бетонлару, КаМАЗ, бульдозер,
Иморатлар қават, бежирим, бешак.
Ривожига сўз йўқ. У мангу абад —
Юксак эътиқодга сўз йўқдир заррa.
Буюк бир таянч бор — қодир табиат,
Айнан шу гўзаллик ортсин минг карра.
Мевазорлар ўксиб, қилмасин араз,
Дарахтлар сингари снимасин идрок.
Заминни она деб этайлик фараз,
Имкон ҳам йўқ эмас, Виждон ҳам тоза.
Гўзаллик туғилмас безаҳмат, бедард.
Ворини асрайлик, йўғини эса
Она каби бунёд айламоқлик шарт.
Табиат бўлсин қиз боладек пок.

Шуҳрат УМАРОВ.

© Саҳифани тайёрлаганлар: Умида КАРИМОВА, Надежда ПАНЯКШИНА, Темур УБАЙДУЛЛАЕВ, Муборак ХОНХЎЖАЕВА.

© ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КОМИТЕТИНИНГ МАНЗИЛГОҲИ: 700078, Наманг йиншлар хиёбони, 5-уй. Телефон: 44-54-96.

* *Жасоратнома*

МИНГ АЖАЛГА ЧАП БЕРИБ

Эргаш ака Толипов уруш бошланишидан уч йил аввал ҳарбий хизматга чақирилганда нон тишлаётиб киндик қони тўкилган жойларга яна эсон-омон қайтиб келишига имон келтирган эди. Чунки у дунёга келиши билан онасидан етим қолган, яқиндагина отаси билан бир умрга видолашган, балоғатга етгунча турмушнинг минг бир чийириғидан ўтиб, энди умрининг қолган қисмида рўшнолик кўришидан умидвор эди. Бу умидворлик урушнинг ҳар бир соатида унга мадад бериб турди. 18-Армиянинг 172-ўқчи полки Белоруссиянинг бепоён ўрмонзорларида кеча-ю кундуз жанг қилаётганида ҳам, Қуролли кучларимизга омад боқмай қўйган кезларда ҳам, тартибли чекиниш пайтида, душманнинг ўн беш самолёти уларга ўқ ёмғири ёғдирганда ва у рулини бошқараётган автомашина ўнлаб марта ўққа тутилганда ҳам Эргаш ажали бу ерда эмаслигига ишончи комил эди. Балки ана шу яшашга бўлган ишонч, чанқоқлик, келажакдан умидворлик туйғуси уни минг ажалдан асраб қолган бўлса не ажаб.

Бўлинма командири этиб тайинланган пайтидаги бир воқеа хотирасига муҳрланиб қолган. Ўшанда бир кичик гуруҳга уни бошлиқ қилиб тайинлашди-да, «тил» ушлаб келиш ҳақида дастлабки жанговар топшириқ беришди. Агар у қанчалик кўнгилдагидек бажарилган тақдирда полкнинг ҳужумга ўтиши шунчалик тезлашган ва шу участкада олға силжиш имкониятлари туғилган бўларди. «Тил»нинг полк командири эканлиги назарда тутилса, жанговар ҳаракатлар шиддатли тус олган пайтда осон вазифа эмасди. Олти нафар жангчи бир неча чақирим жойгача ер бағирлаб бориши зарур эди. Бир жангчи олдинда, қолганлар кетма-кет товуш чиқармай олға силжиши, зарурат туғилганда ҳимоя қилишга тайёр туриш келишиб олинди. Тонг отарга яқин душман истеҳкомига етиб келишди. Рўпарада уч нафар соқчи у ёқдан бу ёққа юриб турарди. Қатъий режа асосида ҳаракат қилинди.

Ҳар бир соқчига қарши тиғ билан икки асқар ташланди. Овоз чиқармай уларни бир ёқлик қилишди. Энди у ёрига силжиш жаҳаннамга рўпара бўлишдай гап эди. Чунки душман сезиб қолгудек бўлса ҳамма нарса тамом эди. Полк командири ўз хонасида донг қотиб ухларди. Разведкачилар оёқ учида юриб унинг оғзига латта тиқишди. Бир жангчи пешанасига тўппонча ўқталиб турди, бошқаси оёқ-қўлини боғлади. Қолганлар катта ўлжани қанор қопга жойлашди. Орқага қайтишаётганда қаердадир ит акиллади, унга бошқаси қўшилди. Зил-замбил қопни кўтариб югуришдан бошқа илож йўқ эди. Ана, бир-икки немис аскари чала кийинган кўйи автоматда улар томон ўқ ёғдира бошлади. Энди тўрт киши ҳимояга ўтиб, душманни чалғитиб туришга, икки киши қопдаги ўлжани ер бағирлаб сургалаб кетишга мажбур эди. Икки юз метрча юрилгач, Эргаш шеригига тўхтамай олға силжишни буюриб, ўзи орқадагиларга ёрдамга шошилди. Тирик қолган бешолти фашист тобора узоқлашиб бораётган аскарларимиз томонга ўқ отишарди. Шу ўқлардан иккитаси группа командирининг оёғи ва биқинини тешиб ўтди. Ажал билан олишаётган пайтда ўқ еганингни ҳам бирданига сезмай қоларкансан, киши. Разведкачилар яна уч немисни гумдон қилиб, бошқалар таъқиби тугагачгина мадордан тойганлигини сезди. «Тил»ни тегишли жойга топширишгач росмана ҳушидан кетди...

Унинг жанговар ҳаётида шунга ўхшаш воқеалар кўп бўлган. Белоруссия, Польша, Венгрия, Чехословакия, Германия шаҳар ва қишлоқларида ҳар бир чақирим ер учун кечган жангларда аскарлик бурчини ҳалол ўташга ҳаракат қилди. Германия ҳудудида яна яраланди. Будапештда шоферлик қилаётганда машҳур саркарда К. Ворошилов билан шахсан суҳбатлашди. Кейин танкни бошқарди. Ғалаба кунини Венгрияда кутиб олди.

Урушдан сўнг Тошкент шаҳар электр тармоқлари идорасида шофер бўлиб ишлади ва ҳозиргача ана шу қадрдон жамоаси билан ҳамнафас, ҳамфикр. Урушда мардлиги учун I ва II даражали Улуғ Ватан уруши орденлари, «Жасурлиги учун» медали каби қатор мукофотларга тақдим этилган бўлса, бу ерда самарали меҳнатлари эвазига кўплаб медаллар, ўнлаб фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Умр зарварақларининг 70-йилида етти фарзандидан 25 набира кўрди. Рафиқаси Машҳурахон Толипова билан биргаликда меҳнатлари роҳатини кўришмоқда. Бу аҳил оилага Янгиобод маҳалла аҳли ҳавас қилишади. Маҳалла комитети аъзоси сифатида Эргаш ака янгича анъана, маросимларнинг амалийлиги учун жон куйдирмоқда.

Мана, Буюк Ғалабага ҳам 47 йил тўляпти. Серфарзанд оила аъзолари, қуда-андалар Эргаш акани табриклаш учун бу ерга йиғиладилар. Қуролдош дўстларидан самарқандлик Валихон Нуриддинов, ўшлик Абдусодиқ Шерназаровлар ҳам ташриф буюришлари керак. Демак, бугун Эргаш ака Толипов яна бир бор уруш таассуротларини ёдга олади. Демак, яна бир бор жангчиларда шаҳид кетган дўсту қадрдонлар тилга олиниб, руҳига фотиҳа ўқилади. Шаън-шавкатларига таъзим қилинади.

Абдунаби МАННОПОВ.

СУРАТДА: Эргаш Толипов рафиқаси Машҳура опа билан бирга.

Нуъмон Муҳаммаджонов сурати.

* *XX аср овози*

Санд ФОИҚ,
турк адиби.

ИЛК БАҲОР

(ҲИКОЯ)

ИЛК баҳор бу — бир байрам, бир уйғониш, бир мўъжиза, бир жиннилик, бўлмайдигандек туюлган бир ишнинг битиши; илк баҳор бу... қушлар, мойчечаклар, лолалар, ўтлоқлар, кўкламзорлар, чамандек очилган дарахтлар, мимоза, заққум сув шилдираши, ҳиндиба, лўлилар, қўзилар... Классик илк баҳор ичида ҳамма нарсанинг, ҳатто зулукнинг ҳам ўз ўрни бор. Унутганларим ҳам кўпдир. Энг муҳими апрель, май қуёши.

Ёши қирқдан ошган баъзи одамлар фасллар ичида илк баҳорни бир оз ташвишсиз кутиб олишларига ажабланмаса ҳам бўлади. Ёпирай, эски жинниликлар қаерда қолди? Қаерда у ёш бир қизнинг рухсорини кўрганда донг қотиб қолишлик, ёш бир қизнинг қўллари беҳосдан тегиб кетганда юракнинг гупиллаб уриб кетиши? Шу умрни фаслларга ўхшатганлар яхши қилишган тўғриси.

Ҳар кишининг илк баҳори, ўз ёзи, кузи, қиши бўлади асти. Инсоннинг илк баҳори ҳайвонларга қараганда кеч бошланади. От бир ёшда, нариси билан икки ёшида илк баҳорга қадам ташлайди. Қўзи олти ойда қўй бўлади. Аммо инсон ўғли илк баҳорини йигирмага кирмасдан унча идрок этолмайди. Йигирмадан аввал идрок этилган илк баҳор, ёлғончи илк баҳордир. Мен қуйида ана шундай бир ёлғончи илк баҳор ҳақида ҳикоя ёзаётирман.

Бундан роппа-роса ўттиз йил аввал мен ўн икки ёшда эдим. Биз Анадалунинг бир шаҳрида яшардик. Отам маъмур кишилардан бири эди. Шаҳарга ёзнинг охирларида кўчиб келгандик. Ярамас, қаҳратон, одам бўйи қадар ёққан қорли бир қишни ўтказгандик. Бир кун қарабсизки, баҳор кириб келди. Қорлар эриди, аммо қорларни эритган қуёш эмас, ёмғир бўлди. Анадалу шаҳрининг илк баҳори ёмғир билан бошланаркан. Худонинг берган куни қиёмга етди-ю, ёмғир қуйди. Эрталабдан порлоқ мовий бир кўк юзида иситмайдиган, жилвланган қор каби совуқ бир қуёш кўринib қоларди. Соат ҳали ўн бир бўлмасдан, шарқданми, ғарбданми, шимолданми, билмайман, бир қора булут пайдо бўларди-да ўн дақиқадан сўнг худди челаклаб қуйгандек бутун кун ёмғир ёғиб берарди. Хонамнинг деразасидан «Қорачайир» деб юритиладиган бир тўқ яшил текислик кўринib турарди. Осмоннинг барча рангларини денгиз эмган бу майсазор ранг-баранг жилвланиб турмаганда уйдан бир телба ҳайқириқ билан сакраб чиқиш ҳеч гап эмасди.

Бутун қиш хасталикдан бош кўтармадим. Кўчага чиқсам, бошим айланарди. Бу ғариб, ёмғирли, қора булутли, қошқовоғи солиқлик ҳавонинг ичида, инсоннинг авжига олиб сиққан шундай бир илк баҳорда тупроқ; одам, ўтлоқ, молхоналарнинг айқаш-уйқаш бўлиб кетган ҳидлари бор эдики, бирдан ич-ичимдан бақирмоқ, йиғламоқ; сўнгра эса, тарашадек қотиб жон бермоқлик хаёли кечарди. Шунақанги жонимга тегиб кетганди бу ёмғир.

Бир сабоҳ кўзларимни шифтга қараб ётардим. Ҳали ҳаво қораймаган, ҳаммаёқ чарақлаб турарди. Ётган еримда, бирпас туриб ёмғир бошланади, деган хаёлга чўмган эдим. Бирдан хонамнинг ичидан порлоқ бир қуш учиб ўтди. Дарров каравотимга ўтириб олдим. Қуш яна бир бор учиб ўтди. Сўнгра ўнг томондаги девор устида тасмадаккина бир нур лип этди-ю, ғойиб бўлди. Кўзларимни ишқаладим. Кейин очиб бундай қарасам, деворда бир порлоқ доира титраб-титраб худди ўз ерига жойлашмоқчи бўлгандай турарди. Бу бир ойнакнинг деворга юбораётган нуридан бошқа нарса эмас эди.

Каравотимдан сакраб, деразага отилдим. Бизнинг юксакликдаги боғ олд томондаги уйнинг боғчасига боқарди. Хонамга ойна, муҳаққақ, ўша ердан тутиларди. Пуштиранг, шафтоли гулларининг орасида бир пари рухсор ўтирарди. Орқасига бир стул қўйилганди. Ўн олти, ўн етти ёшлардаги бир қиз эди. Деразада шундоққина қотиб қолдим. Қўлидаги ойнакнинг нури кўзимга тушганда юзимни қўлларим билан ёпмай, кўзларимни юммай тўғри қизга боқардим.

Эртаси куни менинг қўлимда ҳам бир ойнак пайдо бўлди. Ў, у назокат билан куларкан, кўзларини ойнагимнинг аксидан олиб қочишга ҳаракат қиларди. Бу ўйин, ҳеч бир замон ярим соатдан ошмас, у боғдан уйига ёмғир томчиларини сочларида қолдирган кўйи кириб кетар, мен эса яна тўшагимга қайтардим. Эртаси кун яна гўзал бир сабоҳ бошланар, яна биринчи бўлиб унинг ойнаси юборган нур хонамнинг деворларида ўйнар, сўнгра ўз жойига жойлашмоқ истаган каби, титраб-титраб деворда осилиб қоларди. Яна мен кўзларимни юммасдан унинг ойнаси юбораётган нурга, у эса кўзларини гўзал қўллари билан тўсиб, ойнагимнинг нурига боқардик. Кейин эса яна чошгоҳ ёмғири бошланарди.

Бошқа ҳеч бир нарса билан ишим бўлмагани учун бир сабоҳ уйимизнинг олдида бир ёйли арава келиб тўхтаганига унча эътибор ҳам қилмадим, бошимни қотирмадим ҳам. Аммо мен ойна ўйини билан овора бўлиб, онамнинг кириб келганини сезмагандим. Онам ғариб бир назар билан боғга, қизга, ойнаклар нурига, қўлимдаги ойнакка қаради. Кейин менга:

— Қани, бўла қол, кийин, — деди.

Аравага чиқдик. Икки бойлам ашёйимиз орқага боғланганди. Отам бошқа бир ерга тайин этилганди. Йўлга чиқдик. Бир ўрмоннинг ичидан ўтарканмиз, булутларнинг орасидан қуёш ўрмоннинг янгитдан яшара бошлаган дарахтлари устида бир кўринди-ю, ғойиб бўлди. Шунда бирдан ич-ичимдан энди ҳеч ойнак нурларини кўролмайман, деган аламли хаёл кечди. Ҳўнгир-ҳўнгир йиғлай бошладим. Шунда отам:

— Нима бўлди, сенга? — деди.

Мен онамнинг чойшабига бошимни буркадим. Онам қўли биланми, юзи биланми отамга қандай бир ишора этганини билмайман, аммо улар ҳеч садо чиқармадилар. Кимса менга бирор нарса дейишга жасорат этолмаслигини сезиб, бутун кўнглимни бўшатиб, истаганимча йиғладим.

Мана энди илк баҳорда хонамнинг деразасига бир ердан тўсатдан бир нур тушса, у илк баҳор ҳар бир инсонни ташвишга солгани каби менга ҳам андуҳ тўла бир юмшоқлик, бир ерда турмайдиган юрак ўйноқлигини беради. Ўша вақтдан буёғ роппа-роса ўттиз йил ўтди. Кимсанинг юзига ойнак тутмадим. Кимса юзимга ойнак тутмади. Аммо тўсатдан бир нур илк баҳорда хонамда порлоқ бир қалдирғоч каби чарх ураверса, ўша куни нима қилишимни билмайман.

Момоларимиз уй бекалигини азалдан ўзига хос санъат ҳисоблаб келишган. Пойтахтимиздаги 274-ўрта мактабнинг меҳнат ўқитувчиси Мавжуда Султонова ишбилармонлик, тадбиркорлик ҳамда ўта нозиктаъб бўлишни талаб этадиган ана шу соҳадан қизларга сабоқ бериб келади. Ўқувчи қизлар унинг раҳнамолигида дастурхон тузаш, ширинликлар, турли таомлар пишириш ҳамда бичиш-тикиш ишларининг сир-асрорларини ўрганиб келишяпти. Аъло баҳоланган буюмлар кўргазма қаторидан жой олади.

СУРАТДА: тажрибали мураббий Мавжуда Султонова баҳолаш учун тайёр бўлган кўйлакни кўздан кечирмоқда.

Равиль Альбеков сурати.

* *«01» хабар беради*

13 апрелдан 19 апрелга қадар шаҳримизда 37 та ёнғин содир бўлди.

◎ 13 апрель эрталаб соат 05 дан 08 дақиқа ўтганида Тошкент шаҳар ўт ўчириш бошқармаси алоқа бўлимига Чилонзор райони, Аллея боши берк кўчасида жойлашган 2-пиво заводидаги ёнғин тўғрисида хабар келди. Ўт ўчириш кучлари соат 05.13 да етиб келиб соату 35 дақиқа ичида ўтни бартараф этишган. Қуритиш хонасида технологик режим бузилганлиги натижасида 5 тоннага яқин дон ёниб кетган.

◎ Шу куннинг ўзида эрталаб соат 10.27 да Собир Раҳимов райони, Широқ кўчасидаги 3-йирик панелли деталлар заводи ҳудудида жойлашган гаражда автомашина ёнаётганлиги ҳақида хабар келди. Кучлар етиб келгунга қадар ёнғин корхона ишчилари томонидан ўчирилган. Электр симларининг қисқа туташуви натижасида содир бўлган ёнғин оқибатида «Нисса» маркали автомашина шикастланган. Ёнғинни ўчириш вақтида транспорт цехининг чилангари, 1960 йилда туғилган Сергей Кравченко икки қўли куйиш жароҳатини олган. Ёнғин жойига етиб келган тиббий хизмат ходимлари Сергейга биринчи ёрдам кўрсатишган.

◎ Яна шу куни Сергели районида юқоридагига ўхшаш воқеа рўй берган. Соат 13.58 да Авлоний кўчасида 4-автокорхонага қарашли ЛИАЗ автобуси ёнаётганлиги тўғрисида хабар берилган. Соат 14.00 да кучлар етиб келиб ёнғинни етти дақиқа ичида ўчиришган. Газ баллонининг портлаши натижасида чиққан ёнғиндан автобус шикастланган. Автобус ҳайдовчиси, 1970 йилда туғилган Баҳодир Эшоновнинг юз ва қўллари куйиб касалхонага тушган.

◎ 13 апрель куни яна бир автомашина ёнғанининг гувоҳи бўлинди. Соат 18 дан 51 дақиқа ўтганида келган хабар бўйича Хадра майдонида машина электр симларининг қисқа туташуви натижасида тиббий ёрдам хизматига қарашли фургон ГАЗ — 24 автомашинасининг ички қисми электр симлари ва ҳайдовчининг ҳужжатлари ёниб кетган.

◎ 15 март кечаси соат 00 дан 29 дақиқа ўтганида Куйбишев райони, 1-тракторсозлар даҳасида жойлашган савдо дўконида содир бўлган ёнғин ҳақида хабар беришган. Кучлар 00.36 да етиб келиб алангани 00.48 да ўчиришга муваффақ бўлишди. Ёнғин натижасида 21-савдо дўконига қарашли шиша қабул қилиш пунктнинг 100 квадрат метр томи ёниб кетган. Ёнғиннинг сабаби ва кўрилган зарар миқдори аниқланмоқда.

◎ Шу куни эрталаб соат 5.41 да келган хабар бўйича Ленин райони, 1 Май кўчасида жойлашган «Ташгорпэс» хоналаридан бирида ёқиқ ҳолда қаровсиз қолдирилган электр иситгич асбобдан бошланган ёнғин ўз вақтида пайқаб қолиниб, тезда ўчирилган. Натижада 0,5 квадрат метр пол ёниб улгурган.

◎ 18 апрель кечаси соат 01.00 да Сергели райони, Венгер кўчаси, иккинчи боши берк кўчада жойлашган 130-шахсий уйдаги ёнғин тўғрисида хабар келди. Кучлар 11 дақиқадан сўнг етиб келиб ёнғинни соат 1.33 да ўчиришган. Сигарета чекишда эҳтиётсизлик натижасида чиққан ёнғиндан уй эгалари катта талофат кўришди. 60 квадрат метр сарой ва ундаги хашак ёниб кетган. Сарой ичидаги бузоқча ҳам ҳалок бўлган.

Тошкент шаҳар ўт ўчириш бошқармасининг давлат ёнғиндан сақлаш назорати бўлими.

Муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ШОШИЛИНЧ ЭЪЛОНЛАР ХИЗМАТИ

Умид

ОСИЕ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТА БОШЛАГАНЛИГИНИ

эътиборингизга маълум қилади

«УМИД» ОСИЕ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ ходимлар учун танловли қабул эълон қилади. Суғурта ва молия-кредит соҳалари бўйича мутахассислар, ҳуқуқшунослар, бухгалтерлар ва компаниямизда ишлашни хоҳловчи барча кишиларни таклиф этамиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 9-уй, 15-хонадон.

Телефон: 33-05-15.

Бориш йўли: 3, 13, 28-трамвайларнинг «Марказий универсал дўкон»; 51, 101-автобусларнинг «А. Навоий номли театр» бекатлари.

ҲИСОБЧИ КЕРАК

◎ «Лотос» кичик корхонаси кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган юқори малакали ҳисобчи (бухгалтер)ни ишга қабул қилади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Ғалаба кўчаси, 1-уй. ГСКБ биноси, 4-қават, 408-хона.

Ҳафтанинг ҳар душанба, пайшанба кунлари соат 12.00 да Туркистон жамоа хўжалиги шифохонасида халқаро миқёсдаги биотерапевт Шамсиддин хўжа Муҳитдин ўғли соғломлаштириш сеансларини ўтказади.

Манзилгоҳимизга «Чорсу» метро станциясидан 171-автобус, «Чилонзор» метро станциясидан эса 182-автобусда боришингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ БОСМАХОНАСИ БЛАНКАЛАР ТЎПЛАМИНИ СОТАДИ

1. Бош китоб (75 варақ) — 1 дона
2. Касса китоби (100 варақ) — 1 дона
3. Тўлов варақаси — 1000 дона
4. Тўлов талабномаси — 300 дона
5. Кирим касса ордери — 50 дона
6. Чиқим касса ордери — 50 дона
7. Тўлов ахборотномаси — 50 дона
8. Ҳисоб-тўлов ахборотномаси — 50 дона
9. Тўланадиган ҳақ суммаси кўрсатилган ҳужжат — 100 дона
10. Ишонч қоғози — 100 дона
11. Командировка гувоҳномаси — 100 дона
12. Аванс ҳисоботи — 100 дона
13. Кирим ва чиқим ҳужжатлари — 200 дона
14. Ишга чиқиш табеллари — 50 дона
15. Корхона баланси — 12 дона
16. Молиявий натижалар бўйича ҳисобот қоғозлари № 2 — 12 дона
17. Даромад солиғининг ҳисоб қоғози — 12 дона
18. НДС ҳисоб қоғози — 12 дона
19. Мол-мулкдан олинадиган солиқ ҳисоб қоғози — 12 дона
20. Акциз (кенг истеъмол молларига қўшимча эгри солиқ) солиғи ҳисоб қоғозлари — 12 дона

Тўпламнинг баҳоси — 860 сўм 00 тийин. +30%

Бланкалар тўпламини реквизитлар бўйича қиймати ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.

Қабул қилиб олувчи: Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлигининг босмахонаси.

Қабул қилувчининг банки: Тошкент шаҳридаги қурилиш саноат банкининг Фрунзе район бўлими, ҳисоб рақами 000281015, код 172682311.

Тўлов варақасининг охирида ўзингизнинг манзилгоҳингизни аниқ-равшан кўрсатинг.

Тошкент шаҳрида буюртмаларни соат 8.00 дан 17 гача қуйидаги манзилгоҳдан олишингиз мумкин: М. Торобий (собиқ Краснодон) кўчаси, 31-а уй. Фрунзе савдо маркази атрофида. Бланкаларни буюртма бўйича тайёрлаймиз. Қоғоз бўлса сотиб оламиз.

Телефон: 54-86-29.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚИЙ ТЕАТРИ

1992 йил май ойи

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/V да — Катта концерт.
2/V да — Катта концерт.
3/V да — Давлат болалари.
4/V да — Кампир кетармиш.
6/V да — Куёвлар конкурси.
7/V да — Юсуф ва Зулайхо.
8/V да — Давлат болалари.
9/V да — Катта концерт (соат 16.00 да, билетлар сотилган).
10/V да — Катта концерт.
11/V да — Катта концерт.
13/V да — Ака-ука совчилар.
14/V да — Давлат болалари.
15/V да — Менинг оппоқ кабутарларим.
16/V да — Муҳаббат навоси.
17/V да — Катта концерт.
18/V да — Катта концерт.
20/V да — Давлат болалари.
21/V да — Куёвлар конкурси.
22/V да — Паранжи сирлари.
23/V да — Юсуф ва Зулайхо.
24/V да — Катта концерт.
25/V да — Катта концерт.
27/V да — Кампир кетармиш.
28/V да — Давлат болалари.
29/V да — Ака-ука совчилар.
30/V да — Катта концерт.
31/V да — Катта концерт.

Театр директори — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ш. РАСУЛОВ.

Театр бош дирижёри — Ўзбекистон халқ артисти Н. ХАЛИЛОВ.

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР — ЖАМҒАРМА БАНКЛАРИГА!

1992 йил 8 апрелда ҚАРШИ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН 99-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон Республикасининг барча жамғарма банкларидаги ютуқли омонатлар бўйича қуйидаги счёт номерларига ютуқлар чиқди:

счёт номерлари	ютуқ миқдори (жамғарманинг Ўртача суммасига нисбатан фоиз ҳисобида).
А—009	25
А—059	25
А—100	100
А—122	25
А—182	25
А—237	25
А—273	200
А—302	25
А—322	50
А—360	25
А—406	100
А—444	25
А—488	25
А—539	25
А—575	25
А—607	25
А—669	25
А—717	25
А—731	25
А—793	50
А—826	25
А—871	25
А—917	25
А—932	25
А—963	25

Счетлар сони мингдан ортиқ бўлган жамғарма банкларида барча 1000 рақамли сонлардаги ўша счет номерлари ҳам ютди. Масалан: А—009, А—1009, А—2009 ва ҳоказо, А—122, А—1122, А—2122, А—3122 ва ҳоказо.

ТИРАЖ КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ — Қарши шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари У. Б. АШУРОВ.

Комиссиянинг масъул котиби — З. А. ТИНЧЕРОВ.

ТАШ. ЭВТ

ДИҚҚАТ!

Тошкент ихтисослашган ҳисоблаш техникаси ва информатика корхонаси (ТошИҲТИК) Минск ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқариш бирлашмасининг база вакили бўлиб, қуйидаги асбобларни 10 кун ичида етказиб бериш юзасидан

ШАРТНОМА ТУЗАДИ

— ЕС—1841 хусусий ЭҲМлари (IBM йўсинидаги хусусий ЭҲМ билан уйғунликда ишлай оладиган): ОЗУ — 640 кВ,2 НГМД — 720 кВ, «Винчестер» — 20мБ, СГА рангли монитори, 6337 принтери (кенг), «сичқон» манипулятори.

— автоматлашган ишчи ўринларини жиҳозлаш учун мебеллар тўплами.

Талаб қилинган ускуналар миқдорининг 20 фоизигача қиймати камайтирилади.

Тошкент ихтисослашган ҳисоблаш техникаси ва информатика корхонаси тўлиқ сервис хизматлари кўрсатилишини кафолатлайди.

Манзилимиз: 700043, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 9-уй «Ҳамза» метро бекати.

Телетайп: 33-63-30 «Таймер»

Телефонлар: 77-69-75, 77-73-59.

Ташкилот

5 тонналик иккита ЗИЛ-130 автомашинасини

ижарага беради.

Мурожаат қилиш учун телефонлар: 78-93-07, 78-32-33.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси ◆ **Тошкент оқшоми** ◆ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000. ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. ◆ Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади. ◆ ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 32-53-79; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 33-56-67. ◆ Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир. ◆ Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.

◎ 54.624 нусхада чоп этилади. ◎ Нашр кўрсаткичи 64690 ◎ Босмага бериш вақти 11:30: ◎ Босмага берилди: 11.50. Буюртма № Г—76 ◎ 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10: